



**ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН
ЭКСПЕРТИЗАЛАРНИНГ УМУМИЙ ВА МАХСУС УСЛУБИЁТЛАРИ.**

Ҳ.Н. Райимов*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ–4125-сонли “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулайманова номидаги Республика суд экспертизаси маркази, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Зоология институти, Фанлар академиясининг Ботаника институти ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси каби давлат муассасаларига Республикамизда мавжуд 44 та турдаги экспертиза турлари бўйича суд экспертларини қайта тайёрлаш вазифаси юклатилган. Қарорга биноан Автотехника ва транспорт трасология экспертиза мутахассислиги бўйича суд экспертларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт криминалистика бош маркази амалга оширилиши белгиланган. “Йўл-транспорт ҳодисалари бўйича автотехника ва транспорт-трасология экспертизаси” услубиётини ўқитиш бўйича барча ташкилий, ўқув-методик ишлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида ва ИИВ ЭКБМда амалга оширилмоқда.

Назаримизда, юқоридигилардан келиб чиқиб, ИИВ Академиясида “Эксперт-криминалистик фаолияти” мутахассислиги бўйича ўқитиладиган фанлари доирасига “Йўл-транспорт ҳодисаларида судга оид автотехника ва транспорт-трасология экспертизаларини аҳамияти” мавзусини киритиш ва шу йўналишида билим бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

* Райимов Ҳаким Найимович, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси мустақил изланувчиси.



Бундан ташқари замонавий ахборот технологияларининг ривожланиши билан бир қаторда бугунги кунда йўлларга ўрнатилган видеокамералардаги тасвирлар орқали йўл-транспорт ҳодисаларидаги тезликни аниқлаш имконияти ҳам юзага келган бўлиб, унинг номи қўзғалмас объектга ўрнатилган *видеокамера видеотасвири ёрдамида автотранспорт воситасининг ҳаракат тезлигини аниқлаш экспертизаси* деб юритилади. Амалиёт таҳлилларига кўра бу экспертизани тайинлаш ва тадқиқот ўтказиш методикаси етарли даражада шакллантирилмаган ва илмий тадқиқот ишларини олиб зарурати борлигини кўриш мумкин.

Хусусан, Республикамизда автомобиллаштириш жараёни тез ривожланаётганлиги сабабли, йўл-ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш долзарб масала бўлиб бормоқда. Йўл-транспорт ҳодисалари (ЙТХ) ҳолатларини белгилашда махсус билимлардан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун, суд-автотехника экспертизалари иш ҳолатларини белгилаш ва одил судловни амалга ошириш муҳим далил воситаси ҳисобланади.

Ҳозирги кунга қадар амалиётда автомобилнинг ҳаракат тезлигини аниқлаш билан боғлиқ масалалар унинг ғилдиракларидан йўлда қолган излар асосида ҳал этилар эди. Тезликни аниқлашнинг ушбу усулидан фойдаланиш ҳар доим ҳам кутилган натижа бермайди, чунки, автоҳалокат содир бўлган жойда тормоз излари ҳамиша қолавермайди ва аниқ далилларнинг бўлмаслиги автомобилнинг ҳақиқий ҳаракат тезлиги ҳақидаги маълумотнинг мавҳумлик даражасини ошиб кетишига олиб келади. Транспорт воситасининг ЙТХ арафасидаги ҳаракат тезлиги унинг ғилдиракларидан йўлнинг қопламаси устида қолган тормоз ёки сирпаниш излари узунликларига қараб аниқлаш амалиёти пиёдаларни уриб кетиш билан боғлиқ ҳодисалар юзасидан юритилаётган ҳужжатларда кенг йўлга қўйилган бўлиб, мазкур вазиятлар учун экспертиза йўли орқали аниқланган тезлик мақбул маълумот деб қабул қилинган.

Лекин йўл юзаси (нам) хўл бўлса ҳодиса вақтида қолиши мумкин бўлган изларни аниқлаш қийинчиликларни юзага келтирган. Ж.А. Мажидовнинг фикрига кўра, йўл муз ёки қор билан қопланган ҳолатларда тормоз ёки сирпанишдан иборат изларни қайд этиш янада оғирлашиб, улар деярли ёки умуман кўринмас даражага келиши мумкин.

ЙТХ автомобилларнинг тўқнашуvidан иборат бўлса, тўқнашув жойигача қолган тормоз изи автомобилнинг ҳақиқий тезлигини аниқлаш имкониятини



чеклаб кўяди. Автомобилларнинг тўқнашувидан иборат ҳодисаларда тезликни аниқлаш учун зарба назарияси қоидаларига асосланган усулларидадан фойдаланилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда тормозланмаган ҳолатда ЙТХ содир қилган транспорт воситасида юзага келган пачоқликлар, унинг тўқнашувдан сўнг ҳаракатланиб ўтган йўли, тўқнашув натижасида айланган бурчаги ёки афдарилиши натижасида пайдо бўлган механик шикастлари асосида ҳаракатланган тезлигини аниқ ҳисоблаб топишнинг илмий усули мавжуд эмас. Чунки, тўқнашув ҳолати мураккаб ҳодиса ҳисобланади ва ушбу жараёнда деформациялар (шикастланишлар)ни ҳосил қилинишига кинетик энергия сарф бўлади. Энергияни сарфланиши эса тезликни сўниши билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.02.2022 й., <https://lex.uz/docs/3743453>. (Мурожаат вақти: 20.08.2023 й.).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-190-сон 04.04.2022 йилдаги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 415-сон 30.07.2022 йилдаги қарори,
4. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД ЙҚХХнинг статистик маълумотлари.
5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази ва ИИВ ЭКБМнинг ҳисоботлари.
6. *Д.Ш.Мусина*. Пути решения задач по установлению механизма наезда на пешехода методами материаловедческой трасологии / Материалы международной научно-практической конференции «Восток-Запад: партнерство судебной экспертизе. Актуальные вопросы теории и практики судебной экспертизы» (г. Алматы, 6 ноября 2014 г.). – Астана, 2014. – 332 с.
7. Йўл-транспорт ҳодисалари экспертлар нигоҳида / uz24.uz/society/ygl-transport.